

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

5-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Муассис:** Фаргона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

---

#### Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

---

#### Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ҒАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

---

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.  
Шералиева Ж.

#### Таҳририят манзили:

150100, Фаргона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: www.fdu.uz

---

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фаргона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

---

Фаргона,  
2021.

<b>О.Алиев</b>	
Ахборот хавфсизлигига доир тушунчалар тавсифи .....	190
<b>К.Пулатов</b>	
Совет даврида Ўзбекистонда тарғиботнинг ривожланишида даврий матбуотнинг ўрни(1953-1956 йиллар) .....	193
<b>С.Назарова</b>	
Ўзбек санъатини забт этган Қўқон булбули .....	197
<b>Д.Тошпулатова</b>	
Муаллиф онги ва тафаккурида буюк қадриятларнинг акс этиши .....	201
<b>И.Жўраев, Ҳ.Жўраев</b>	
Навой ижодида маънавий-маиший таназзул ва ижтимоий инқироз ифодаси .....	204
<b>А.Акбаров</b>	
Абадиятга дахлдор можаро .....	207
<b>Н.Соатова</b>	
Бадиий тасвирда адибнинг эстетик қарашлари .....	210
<b>Н.Холматова</b>	
Эркин Аъзам адабий-эстетик қарашларининг шаклланиши .....	214
<b>Д.Юлдашева</b>	
“Алла” матни лингвофольклористиканинг ўрганиш объекти сифатида .....	218
<b>Ш.Кахарова</b>	
Ўзбек ва инглиз педагоглари мулоқот хулқида қўлланиладиган мурожаат шаклларининг қиёсий тадқиқи.....	220
<b>Ш.Мўминов</b>	
Янги ўзбекистонда раҳбарлик ва унга ёндош тушунчалар семантикасига доир .....	223
<b>Н.Юлдошева</b>	
Содда гап қолиплари воқеланишига таъсир қилувчи морфологик омиллар ҳақида.....	226
<b>М.Хошимов</b>	
Тилда «субъектив – модал баҳо» микроконцептини воқелантирувчи кириш гапли қўшма гапларнинг лингвокогнитив ва лингвокультурологик жиҳатлари .....	228
<b>М.Хусайнова</b>	
Касб-хунарга оид латифаларнинг прагматик хусусиятлари .....	236
<b>ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ</b>	
<b>Илмга бахшида умр</b> .....	239
<b>Библиография</b> .....	242

УДК: 8-1/-9+371.036

НАВОИЙ ИЖОДИДА МАЪНАВИЙ-МАИШИЙ ТАНАЗЗУЛ ВА ИЖТИМОЙ ИНҚИРОЗ ИФОДАСИ  
ОТРАЖЕНИЕ ДУХОВНО-БЫТОВОЙ ДЕПРЕССИИ И СОЦИАЛЬНОГО КРИЗИСА В ТВОРЧЕСТВЕ  
НАВОИ

AN EXPRESSION OF SPIRITUAL DEGRADATION AND SOCIAL CRISIS IN THE WORK OF  
NAVOI

Жўраев Ислонжон Мамасодиқович<sup>1</sup>, Жўраев Ҳабибилло Абдусаломович<sup>2</sup>,

<sup>1</sup>Жўраев Ислонжон Мамасодиқович,

– Фарғона давлат университети, табиий  
ўйналишлар бўйича чет тиллар кафедраси  
ўқитувчиси.

<sup>2</sup>Жўраев Ҳабибилло Абдусаломович,

– Фарғона давлат университети, адабиётшунослик  
кафедраси профессори.

**Аннотация**

Мақолада Алишер Навоий ижодида оилавий-маиший таназзул ва ижтимоий-маънавий ҳаётдаги инқирозларнинг ўзаро боғлиқ ва уйғунликда тасвирланиши таҳлилга тортилган.

**Аннотация**

В статье анализируется взаимосвязанное и гармоничное изображение семейной жизни и кризисов социально-духовной жизни в творчестве Навои.

**Annotation**

The article analyzes the interconnected and harmonious image of family life and crises of social and spiritual life in the work of Navoi.

**Таянч сўз ва иборалар:** тарихий воқелик, маиший турмуш, ижтимоий ҳаёт, маънавий-ахлоқий тубанлик, ижтимоий инқироз, бадиий тасвир.

**Ключевые слова и выражения:** историческая реальность, повседневность, общественная жизнь, духовно-нравственный разврат, социальный кризис, художественный образ.

**Key words and expressions:** historical reality, household life, social life, spiritual and moral depravity, social crisis, artistic image.

Алишер Навоий ижодида соғлом оила муҳити, оила тутумида ва фарзанд тарбиясида ота-онанинг бурчига муносабати масаласи алоҳида ўрин эгаллайди. У “Бадоеъ ул-васат” девонидаги шеърларидан бирида “Ано ўрнин ато тутмас ўғулга” деган ҳаётий хулосага келар экан, қатранинг дур даражасига етишишида булутдан кўра дарёнинг ҳиссаси кўпроқ эканлигини асос қилиб кўрсатади. “Ҳайрат ул-аброр”да эса мифологик талқин билан отани Қуёшга, онани эса Ойга, фарзандларни юлдузга менгзаб, уларнинг ота ва онанинг фарзанд тарбияси билан куну тун банд бўлишлари ҳақида ҳароратли мисралар битади, Фарҳоднинг отасига кўрсатган беҳад эҳтиромини китобхонга ибратли тарзда баён этади, Қуёшнинг чиқишидан то Қуёшнинг ботишигача бўлган ерларни эгаллаб, ҳукмронлик қилган шоҳ Искандарнинг ўлими олдидан бутун дунёни забт этиши аслида она оёғининг гардига ҳам арзимаслигига иқрор бўлишини, афсус

билан ўзини “озурдае” деб аташини ниҳоятда таъсирли тасвирлайди. Айниқса, жунун саҳросида кезиб, бутун борлиқни унутган Қайс онасининг хасталигини эшитгач, ўзини қўлга олиши ва ризолигини олиш учун она ҳузурига шошилиши билан боғлиқ руҳий ҳолатлари бадиий жиҳатдан ўзининг юксак ифодасини топган. Бундай ибратга йўғрилган таъсирли лавҳалар акс этган мисолларни улўғ сўз санъаткори ижодидан яна кўплаб келтириш мумкин.

Алишер Навоийнинг ота-она ҳамда фарзандларнинг ўзаро табиий ҳақ-ҳуқуқлари ва муносабатлари каби муҳим мавзуларга ўзи битган турли жанрлардаги дурдона асарларида қайта-қайта мурожаат қилишига тарихий вазият, давр, тарихий шарт-шароитлар ҳам сабаб бўлган. Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўз ўғиллари билан қайта-қайта низо ва нифоқларга бориши, ҳатто ота-болаларнинг бир-бирига қилч кўтариши мозийни, мозийга қайтиб иш кўришни чуқур билувчи донишманд, истиқболни кўра

оладиган етук давлат ва жамоат арбоби, улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийни қаттиқ изтиробга, ташвишга солгани табиий. Шунинг учун ҳам у гоҳ лирик шеърларида, гоҳ эпик дostonларида, баъзан эса тарихга оид асарларида ота-ўғил низолари яхшиликка олиб келмаслигини, бебақо дунёда фақат эзгу ном билан боқий қолиш мумкинлигини муттасил таъкидлашдан ва уқтиришдан толмайди.

“Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб, хорликка юз тутиши, бахтсизликнинг оғир юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ”, – деб ёзган эди XX асрнинг машҳур маърифатпарварларидан бири Абдурауф Фитрат.

Алишер Навоий ижодида ҳам ота-онага муносабат масаласи алоҳида ўринлардан бирини эгаллайди. Шоир ота ризосини Оллоҳ ризосига тенглаштириб, шундай дейди:

“...Отанг парвардигорингдур, бу жиҳатдинким, Тенгри таоло сени йўқдин бор қилмоққа восила улдур ва туфулиятдин шабоб синниғача парвариш бергувчи ул”. Шундай экан, зинҳор отани ранжитмаслик лозим. Дарвоқе, 27-ҳадис[1.112] худди шу масалага бағишланган. Мазкур ҳадисда инсоннинг ота-онасини сўкиши катта гуноҳ эканлиги алоҳида таъкидланади. Ҳадисда айтилганки, ота-онани сўкиш, уларни сенлаш, бошқалар билан жанжаллашганда ота-она номини тилга олиш ва ота-онанинг айтганларини бажармасликнинг барчаси кечирилмас гуноҳдир.

Минг афсуски, барча даврларда ҳам бу ўғитларга амал қилмаган жоҳил фарзандлар учрайди. Алишер Навоий баъзи фарзандлардаги ноқобилликларнинг илдизи нотўғри тарбияда, ҳаром луқмада, покликка ва тўғрилиқка асосланмаган носоғлом оилавий ҳамда ижтимоий муҳитда эканлигини кўрсатиб беради. Ҳақиқатан ҳам, бундай камчиликлар ва зарарли иллатлар мавжуд бўлган носоғлом муҳитда ўсган болаларда худбинлик, мол-мулк ҳамда мансабга ўчлик, ўзини бошқалардан устун қўйиш ва шахсий манфаати йўлида ҳеч нарсадан қайтмаслик сингари салбий хусусиятлар шаклланади. Натижада, бундай фарзандлар бошқаларгагина эмас, ҳатто ўз ота-онасига

нисбатан ҳам ёмонлик ва ёвузлик қилишдан тоймайдиган бўлиб вояга етади. Алишер Навоий бунга мантиқли далиллар ҳам келтиради. Масалан, ёмон, ноқобил феъл-атвори туфайли Шеруя отаси Хисравни, Абдуллатиф эса Мирзо Улуғбекни қатл эттириш даражасига етдилар. Гарчи Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” дostonида Хисравни Фарҳодга қарама-қарши қўйиб, унинг ножўя ҳаракатларини қаттиқ қоралаб тасвирлаган бўлса-да, бироқ унинг ўз ўғли Шеруя томонидан ўлдирилишини маъқулламайди. Шу сабабли ўзи гувоҳ бўлган воқеа, яъни Абдуллатифнинг падаркушлик фожиасини эслаб, саккиз ёшлигида айрим кўрган ё эшитганлари асосида қуйидагиларни ёзган:

“Абдуллатиф Мирзо савдои мижоз ва васвасий табъ ва девонасор киши эрди... Ўтар дунё маслаҳати учун донишманд ва подшоҳ отасини ўлтурди. Ҳар ойинаким, салтанат Шеруяга вафо қилганча анга қилди”[2.172].

Абдуллатиф отасини ўлдириб, ҳеч нарсга эришмаганидек, Шеруя ҳам ҳаётда ўз мақсадларини амалга ошира олмади. Абдуллатифнинг номи тарихда бадном бўлиб қолди, чунки у нафақат отаси, балки ўзбек халқининг Улуғбекдай даҳосига тиг кўтарди. Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” дostonида Соҳибқирон Амир Темур авлодида донишмандликда Улуғбек Мирзога тенглашадиган султон бўлмаганини таъкидлаган[3.463]. “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида Алишер Навоий яна унинг илмий салоҳиятини, юксак фазилатларини фахр ва мароқ билан батафсил ёритиб берган. Чунончи: “Улуғбек Мирзо донишманд подшоҳ эрди. Камолоти бағоят кўп эрди. Етти қироат била Қуръони мажид ёдида эрди (Қуръони мажидни етти хил қироатда ёддан ўқий олар эди). Ҳайъат (юлдузшунослик) илми ва риёзий (математика) ни хўб билур эди. Андоқким, зиж битиди (юлдузлар ҳақида жадвал тузди) ва расад боғлади. (сайёралар ҳисоби, ҳаракат ҳолати ва масофалари ҳақида тақвим тузди) .... Бовужуди бу камолот гоҳи назмға майл қилур эрди”[4.171].

Камолотда шу даражага етган ота билан аслида фахрланиши, уни ғанимлардан ҳимоя қилиши керак бўлган валиаҳд ўғил отасига ёмонликни, зулмни раво кўрмаслиги лозим эди, чунки Улуғбек Мирзо отаси Шохруҳ Мирзога нисбатан бир умр шафқат ва эҳтиром сақлаган, воқеан, у қирқ йил

давомида теурийлар давлат бошқарувида бўлган Хуросонда ҳукмронлик қилган отасига қарши қўшин тортиб бормаган. Улуғбек Мирзо шу муддатда, ҳатто олий ҳукмдор ҳисобланган Шохруҳ Мирзодан мутлақ мустақиллик олиш учун ҳам уринмаган, чунки у фарзандлик бурчини ҳамма нарсадан устун қўя билган. Зотан, уни бутун вужуди яхшилик ва оқиллик нурига чўмган малика Сарой Мулк хоним вояга етказган. Шунинг учун Алишер Навоий Абдуллатифнинг падаркуш бўлишининг сабаби унинг феълидаги вавсвасалик ва аламзадалиқдан ташқари тарбия кўрган муҳитда деб ҳисоблайди.

Шеруяга бағишланган воқеаларда ҳам муаллиф тарихий ҳақиқатдан узоқлашмайди. У ҳам кўп ўтмай ўз ажалини топади. Бу ерда Алишер Навоий Абулқосим Фирдавсийнинг “Шохнома”сида башорат қилинган, кейинчалик шоҳ ва шоир Бобур “Бобурнома” асарида “Бу беш кунлук ўтар дунё учун андоқ донишманд ва қари отасини шаҳид қилди... Агарчи ўзи ҳам беш – олти ой салтанат қилмади, бу байт машҳурдурким:

**“Падаркуш подшоҳиро нашояд,**

**Агар шояд ба шаш моҳаш  
нашояд.”**[5.62]

“Отасини ўлдирган (падаркуш) подшоҳ бўлолмайди, агар бўлса ҳам олти ойга етмайди” ҳикматини ўз фикрларига тамсил қилган ва ҳикмат мазмунини ривожлантиради ва тасдиқлайди. Улуғбек Мирзо ва Абдуллатиф воқеалари ҳали унутилмаган, Султон Ҳусайн Бойқаро саройида ота-ўғил ўртасидаги тож-тахт можаролари гоҳ зимдан, гоҳ ошкора тарзда олиб борилаётган бир вақтда Алишер Навоий ўз асарлари орқали уларга ижобий маънода таъсир кўрсатишга уриниши табиий эди. Мункиллаб

қолган, хаста Султон Ҳусайн Бойқаро сўнгги дамгача тахтдан воз кеча олмаганлиги, Ҳисорда ўрнашиб олиб, мустақил ҳукмдорлик даъвосини қилаётган Хусравшоҳнинг кирдикорлари, Астробод бошқарувида норасида ўғли Мўмин Мирзони қўйиб, ўзи Балхни ҳам эгаллаб олган Бадиуззамон Мирзонинг ҳақсизлиги, ноинсофлиги, саройда катта хотин даражасида бўлган Хадичабегимнинг саъй-ҳаракати билан зимдан ҳокимият учун кураш олиб борган Музаффар Мирзонинг қилвирликлари шоирнинг кўз олдида бўлиб ўтаётган реал воқелик бўлиб, даврда юз берган бу каби ҳодисалар, ҳодиса иштирокчилари унинг ижодида турли кўринишларда, баъзан тарихий мавзуда акс этса, баъзан бадиий асар сифатида қоғозга тушиши табиий ижодий жараён эди.

Гап шундаки, улуғ мутафаккир ўзи яшаган даврда юз берган ижтимоий-сиёсий инқирозларнинг туб моҳияти ва илдизини ҳам оилавий, ҳам айрим шахслар қисматидаги фожиалардан излайди. Чунончи, XV аср тарихининг энг қора саҳифасини ташкил этувчи Мўмин Мирзонинг бобоси кўли билан давлат муҳри урилган расмий ҳужжат асосида қатл қилиниши воқеаси уни ларзага солади.

Хулоса қилиб айтганда, улуғ шоир ва мутафаккирнинг оилавий-маиший низо ва таназзулни ижтимоий инқироз билан уйғунликда тасвирлаши халқимизнинг миллий менталитети, руҳияти, маънавий қирралари, орзу-умидларини, бир сўз билан айтганда, реал воқелик билан боғлиқ ғоя ва тушунчаларни юксак бадиий-эстетик тасвирлаб берган сўз санъати ҳамдир.

#### Адабиётлар:

1. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Одоблар хазинаси. (Имом ал-Бухорийнинг “Ал-адаб ал-муфрад” китобига ёзилган шарҳлар ).-Т.: Шарқ, 2011.
2. Алишер Навоий. Асарлар. 15 жилдлик, 12-жилд, –Т.: Бадиий адабиёт, 1966.
3. Алишер Навоий. МАТ, 20 жилдлик, 8-жилд, –Т.: “Фан”, 1991.
4. Бобурнома. -Т.: Шарқ, 2002.